

9

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
78-сонли БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй "ЎзРВБ" АЖ биносида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2019 йил 26 июнь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	Соат 09.30
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	Соат 10.00
Йиғилиш ёпилган вақт:	Соат 11.00
Баён тузилган сана:	2019 йил 27 июнь

**ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.  
Жумладан:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

**ЎзРВБ акциядорларининг қатнашган вакиллари:**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:**

Адилов Алимардон Абдуразакович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Монетар операциялар департаменти  
директори;

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки**

Юлдашев Шухрат Джураевич - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий  
фаолият миллий банки Мониторинг ва  
инвестициялар бўлими бошлиғи;

**«Ўзбекистон саноат–қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки:**

Акбаров Хикмат Файратович - "Ўзбекистон саноат – қурилиш банки"  
акциядорлик тижорат банки Ҳазначилик  
департаменти директори;

**«Агробанк» акциядорлик тижорат банки:**

Очилов Шухратилла Тоштемирович

- "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг  
Фазначилик департаменти Қимматли қоғозлар  
бошқармаси бошлиғи;

**«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки:**

Мовлонов Навфал Хамидович

- "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат  
банки Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи;

**«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки:**

Пайзиев Зафарбек Хайрулла ўғли

- "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик  
тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими  
бошлиғи;

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки:**

Саттаров Хайрулла Файзуллаевич

- Ўзбекистон Республикаси акциядорлик  
тижорат Халқ банки Фазначилик  
департаменти директори.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

**КУН ТАРТИБИ:**

7. ЎзРВБнинг 2018 йил якунларига кўра соф фойдаси ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш.

**ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида  
ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги  
қарори қабул қилинди:**

7. ЎзРВБнинг 2018 йил якунларига кўра соф фойдасидан ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан ҳосил бўлган **45 104 074 293,69 сўм** миқдордаги маблағлар акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (1-иловага мувофиқ).

ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш (жумладан, ЎзРВБ биносини жорий таъмирлаш) мақсадида **3 000 000 000,00 сўм** миқдордаги пул маблағлари ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

*Дивидендларни тўлаш шакли* – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

*Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана* – 2019 йил 26 июнь

*Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана* – 2019 йил 20 август.

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

Йиғилиш раиси

(имзо)

А.А. Адиллов

Йиғилиш котиби

(имзо)

Б.З. Исраилов

Аслига кўра тўғри:

Бош директор уринбосари



Б.З. Исраилов